

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ  
“INVEST FINANCE BANK” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ  
АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING  
57 – СОНЛИ БАЁННОМАСИ

Тошкент шаҳри

2023 йил 24 феврал

**Тўлиқ номи:** Чет эл капитали иштирокидаги “Invest Finance Bank” акциядорлик тижорат банки

**Қисқартирилган номи:** АТБ “InFinBank”

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 1- уй

**Акциядорлар умумий йиғилиши тури:** навбатдан ташқари умумий йиғилиши

**Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши санаси:** 2023 йил 24 феврал

**Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиш жойи:**

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 1- уй

Умумий йиғилиш бошланиши вақти: соат 15.00

**Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга маълумот етказиш:**

Корпоратив ахборот ягона портали [www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz) ҳамда банкнинг расмий веб-сайтида ахборот эълон қилинган ҳамда 2023 йил 09 феврал санасига шакллантирилган банк акциядорлари реестри асосида уларга электрон почта манзилига билдиришнома юборилган.

**Умумий йиғилишда қатнашдилар:**

Банк акциядорлари	Реквизитлар/паспорт маълумотлари	Акциядорлар эга бўлган овозлар сони	Акциядорларнинг шакллантирилган Банк устав капиталидаги улуши
Ҳаммаси, шу жумладан		500 000 000	100,00%
<b>Жисмоний шахслар:</b>		397 341 895	79,47%
Маматджанов Фахритдин Джураевич	Паспорт АС 2233062, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани ИББ томонидан 23.09.2019 йилда берилган.	354 391 895	70,88%
Ахмаджанов Азиз Нигмаджонович	ID карта AD 1924125, ИИБ 26296, 26.10.2022 йилда берилган.	24 950 000	4,99%
Абдусаматов Парвиз Махсудович	Паспорт АВ 0309427, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ИИБ томонидан 04.07.2015 йилда берилган.	18 000 000	3,60%
<b>Юридик шахслар:</b>		102 658 105	20,53%

**ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ  
“INVEST FINANCE BANK” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ**

“Prestij Rielt” МЧЖ	Директор – Юлдашев Ильхам Рустамович (Паспорт АА 3961042, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани ИИБ томонидан 20.01.2016 йилда берилган).	61 910 453	12,38%
“AZIA TRANS TERMINAL” МЧЖ	Бош директор – Кадиров Абдурашид Абдуваситович (Паспорт АА 1099937, Тошкент шаҳар. Шайхонтохур тумани ИИБ томонидан 22.03.2013 йилда берилган).	40 747 652	8,15%

2023 йил 09 феврал ҳолатига тузилган Акциядорлар реестри маълумотларига кўра, АТБ “InFinBank” акциядорлари – овоз берувчи акциялар эгаларида мавжуд овозлар сони 500 000 000 овозни ташкил этади (битта акция – битта овоз).

Умумий йиғилишда қатнашаётган Акциядорлар – Банкнинг овоз берувчи акциялари эгалари ихтиёридаги овозларнинг умумий сони 500 000 000 тани ёки Банкнинг овоз берувчи акцияларининг 100,00%ини ташкил этади. **Йиғилиш кворуми – 100,00%.**

Банк акциядори ва Банк кузатув кенгаши раиси **Ахмаджанов Азиз Нигмаджонович** маълум қилдики, АТБ “InFinBank” Уставига кўра, ушбу навбатдан ташқари Акциядорлар умумий йиғилиши ҳуқуқий кучга эга ва мазкур умумий йиғилиш натижаларига кўра, қабул қилинган барча қарорлар ҳақиқий деб ҳисобланади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш учун йиғилиш Раиси этиб, Банк акциядори ҳамда Кенгаш раиси **Ахмаджанов Азиз Нигмаджоновични**, йиғилиш Котиби этиб, **Мухаммедов Шухрат Шойимовични**, йиғилиш Раёсати таркибига Банк акциядори **Юлдашев Ильхам Рустамович** ва **Маматджанов Фахритдин Джураевичларни** сайлаш тўғрисида таклиф киритилди, ушбу таклифлар бир овоздан қабул қилинди.

<b>Йиғилиш Раиси:</b>	Банк Кенгаш Раиси <b>Ахмаджанов Азиз Нигмаджонович</b>
<b>Йиғилиш Раёсати:</b>	Банк акциядорлари <b>Маматджанов Фахритдин Джураевич</b> <b>Юлдашев Ильхам Рустамович</b>
<b>Йиғилиш Котиби:</b>	Корпоратив маслаҳатчи <b>Мухаммедов Шухрат Шойимович</b>
<b>Таклиф этилганлар:</b>	Банк Кенгаши аъзолари Банк Бошқаруви аъзолари

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
2. Банкнинг мақоми ўзгариши муносабати билан унинг номини ўзгартириш;
3. Банкнинг Уставига ўзгартириш киритиш ва уни янги таҳрирда тасдиқлаш;
4. Банк Кенгаши аъзосининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш;
5. Банкнинг Кенгашига сайлов ўтказиш.

Маълумотларни тақдим этиш, Кун тартиби бўйича таклиф ва шарҳларни йиғиш, шунингдек, Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишни ташкил этиш йиғилиш Раёсати ва Котиби томонидан таъминланди.

Акциядорларни рўйхатга олиш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш, шунингдек овозларни санаб чиқиш Санок комиссияси томонидан амалга оширилди.

Барча ташкилий масалалар кўриб чиқилганидан сўнг, кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтилди.

**1-масала: Банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш** юзасидан Йиғилиш раиси А.Н.Ахмаджанов сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларини умумий йиғилишни ўтказиш регламенти билан таништирди ва уни қуйидагича тасдиқлаш таклифини киритди:

- асосий масалалар ва маърузалар учун – 10 дақиқагача;
- қўшимча маърузалар, муҳокама ва савол-жавоблар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш натижаларини санаб чиқиш учун танаффус – 15 дақиқа.

**Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

*Чет эл капитали иштирокидаги “Invest Finance Bank” акциядорлик тижорат банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:*

- асосий масалалар бўйича маърузачиларнинг чиқишларига – 10 дақиқагача;
- қўшимча чиқишлар, эътироз ва музокаралар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш якунларини ҳисоблаш учун танаффус – 15 дақиқа.

Овоз бериш натижалари:

**Рози – 500 000 000 та овоз (100%),**

**Қарши – йўқ,**

**Бетараф – йўқ.**

**2-масала: Банкнинг мақоми ўзгариши муносабати билан унинг номини ўзгартириш.**

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича Кенгаш раиси А.Н.Ахмаджанов сўзга чиқиб, Банк акциялари билан бўлиб ўтган битимларга кўра Банкнинг акциядори бўлган SWISS CAPITAL INTERNATIONAL GROUP AG Банкнинг акциядорлари таркибидан чиққани муносабати билан Банкнинг устав капиталида ҳозирги кунда чет эл капитали иштирок этмаётганини маълум қилди. Шу муносабат билан, Банкнинг мақоми ўзгарганини ва Банкнинг номига ўзгартириш киритиш лозим эканини таъкидлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Банк акциядорларининг умумий йиғилишига Банк номига ўзгартириш киритиш ва уни қуйидагича этиб тасдиқлаш таклиф этилди:

Банкнинг давлат тилидаги номи (лотин алифбосида):

- тўлиқ номи – “Invest Finance Bank” aksiyadorlik jamiyati;
- қисқартирилган номи – “InFinBank” AJ.

Банкнинг давлат тилидаги номи (кирилл алифбосида):

- тўлиқ номи – “Invest Finance Bank” акциядорлик жамияти;
- қисқартирилган номи - “InFinBank” АЖ.

Банкнинг рус тилидаги номи:

- тўлиқ номи – Акционерное общество “Invest Finance Bank”;
- қисқартирилган номи – АО “InFinBank”.

Банкнинг инглиз тилидаги номи:

- тўлиқ номи – Joint-Stock Company “Invest Finance Bank”;
- қисқартирилган номи – JSC “InFinBank”.

**Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

*2. Банк номига ўзгартириш киритилсин ва Банк номи қуйидагича этиб белгилансин:  
Банкнинг давлат тилидаги номи (лотин алифбосида):*

- тўлиқ номи – “Invest Finance Bank” aksiyadorlik jamiyati;
- қисқартирилган номи – “InFinBank” AJ.

*Банкнинг давлат тилидаги номи (кирилл алифбосида):*

- тўлиқ номи - “Invest Finance Bank” акциядорлик жамияти;
- қисқартирилган номи - “InFinBank” АЖ.

*Банкнинг рус тилидаги номи:*

- тўлиқ номи – Акционерное общество “Invest Finance Bank”;
- қисқартирилган номи – АО “InFinBank”.

*Банкнинг инглиз тилидаги номи:*

- тўлиқ номи – Joint-Stock Company “Invest Finance Bank”;
- қисқартирилган номи – JSC “InFinBank”.

Овоз бериш натижалари:

**Рози – 500 000 000 та овоз (100%),**

**Қарши – йўқ,**

**Бетараф – йўқ.**

**3-масала: Банкнинг Уставига ўзгартириш киритиш ва уни янги таҳрирда тасдиқлаш.**

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича Йиғилиш раиси А.Н.Ахмаджанов сўзга чиқиб, Банк кенгашининг 2022 йил 26 сентябрда Банк устав капиталини ошириш мақсадида номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 100 000 000 (бир юз миллион) дона акциялар чиқариш тўғрисида қарори қабул қилинганини ва ушбу акциялар чиқарилиши 2022 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан P0820-13-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганини айтиб ўтди. Шунингдек, ушбу чиқарилишдаги акциялар 2022 йил 14 декабрь ҳолатига Банк акциядорлари ўртасида тўлиқ жойлаштирилганини ва Банкнинг устав капитални 400 000 000 000 (тўрт юз миллиард) сўмдан 500 000 000 000 (беш юз миллиард) сўмга кўпайтирилганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ уставига кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак. Шу муносабат билан, ҳамда Банк мақомини ўзгариши туфайли Банк номига ўзгартириш киритиш таклифи Банк акциядорларининг умумий йиғилишига киритилганлиги сабабли, Банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим экани маълум қилинди ва Банк акциядорларидан янги таҳрирдаги Банк устави лойиҳаси билан 1-иловага мувофиқ танишиб чиқиш сўралди.

Акциядорлар янги таҳрирдаги Банк устави лойиҳаси билан танишиб чиқгач, Банк уставига ўзгартириш киритиш ва янги таҳрирдаги Банк устави 1-иловага мувофиқ тасдиқлаш таклиф этилди.

**Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

*3.1. Банк уставига ўзгартириш киритилсин;*

*3.2. Банкнинг янги таҳрирдаги устави 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.*

Овоз бериш натижалари:

**Рози – 500 000 000 та овоз (100%),**

**Қарши – йўқ,**

**Бетараф – йўқ.**

**4-масала: Банк Кенгаши аъзосининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш.**

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича Йиғилиш раиси А.Н.Ахмаджанов сўзга чиқиб, Банкнинг амалдаги кенгаш аъзоси Б.Н.Нуъмонов томонидан кузатув кенгаши таркибидан чиқиш тўғрисида ариза киритилганлиги сабабли, унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласини кўриб чиқиш таклиф этилаётганини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига кўра Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ваколатида эканлиги таъкидланди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Банк акциядорларининг умумий йиғилишига Банк кенгаши аъзоси Нуъмонов Бахром Хамидуллаевичнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш таклиф қилинди.

**Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

*4. АТБ “InFinBank” кенгаши аъзоси Нуъмонов Бахром Хамидуллаевичнинг ваколати муддатидан илгари тугатилсин.*

Овоз бериш натижалари:

**Рози – 500 000 000 та овоз (100%),**

**Қарши – йўқ,**

**Бетараф – йўқ.**

**5. Банкнинг Кенгашига сайлов ўтказиш.**

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича Йиғилиш раиси А.Н.Ахмаджанов сўзга чиқиб, Банк кузатув кенгаши аъзоси Нуъмонов Бахром Хамидуллаевичнинг ваколати муддатидан илгари тугатиш таклиф этилаётгани туфайли Банк Кузатув кенгаши таркибига сайлов ўтказиш лозимлигини, бироқ Б.Х. Нуъмоновнинг ўрнига Банк кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун муносиб номзод таклиф этилмаганлиги маълум қилинди.

Шунга кўра, Банк Кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун муносиб номзод таклиф этилганига қадар Банк Кузатув кенгаши таркибидаги бир ўринни вақтинча вакант этиб қолдириш таклиф этилди.

Ушбу масала Банк акциядорлари томонидан атрофлича муҳокама қилинган, улардан ушбу масала бўйича овоз беришлари сўралди.

**Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

Банк Кенгаши таркибига сайлаш учун муносиб номзод таклиф этилганига қадар Банк Кенгаши таркибидаги бир ўрин вақтинча вакант этиб қолдирилсин.

Овоз бериш натижалари:

**Рози – 500 000 000 та овоз (100%),**

**Қарши – йўқ,**

**Бетараф – йўқ.**

Кун тартибидаги барча масалалар бўйича Банк акциядорлари томонидан овозлар берилган, йиғилиши Раиси томонидан бюллетенларни санок комиссиясига топшириш сўралди ва берилган овозларни санаб чиқиш учун танаффус эълон қилинди.

Санок комиссия томонидан йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича овозлар санаб чиқилганидан сўнг, йиғилиш Раиси томонидан Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг овоз бериш натижаларига кўра қабул қилинган қарорлар эълон қилинди.

## ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР:

*Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:*

1. Чет эл капитали иштирокидаги “Invest Finance Bank” акциядорлик тижорат банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қўйидагича тасдиқлансин:

- асосий масалалар бўйича маърузачиларнинг чиқишларига – 10 дақиқагача;
- қўшимча чиқишлар, эътироз ва музокаралар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш яқунларини ҳисоблаш учун танаффус – 15 дақиқа.

*Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:*

2. Банк номига ўзгартириш киритилсин ва Банк номи қўйидагича этиб белгилансин:

Банкнинг давлат тилидаги номи (лотин алифбосида):

- тўлиқ номи – “Invest Finance Bank” aksiyadorlik jamiyati;
- қисқартирилган номи – “InFinBank” А.Ж.

Банкнинг давлат тилидаги номи (кирилл алифбосида):

- тўлиқ номи - “Invest Finance Bank” акциядорлик жамияти;
- қисқартирилган номи - “InFinBank” АЖ.

Банкнинг рус тилидаги номи:

- тўлиқ номи – Акционерное общество “Invest Finance Bank”;
- қисқартирилган номи – АО “InFinBank”.

Банкнинг инглиз тилидаги номи:

- тўлиқ номи – Joint-Stock Company “Invest Finance Bank”;
- қисқартирилган номи – JSC “InFinBank”.

*Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:*

3.1. Банк уставига ўзгартириш киритилсин;

3.2. Банкнинг янги тахрирдаги устави 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

*Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:*

4. АТБ “InFinBank” Кенгаши аъзоси Нуъмонов Баҳром Хамидуллаевичнинг ваколати муддатидан илгари тугатилсин.

*Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:*

5. Банк Кенгаши таркибига сайлаш учун муносиб номзод таклиф этилгунига қадар Банк Кенгаши таркибидаги бир ўрин вақтинча вакант этиб қолдирилсин.

Ушбу билан Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўз ишини яқунлади ва ёпиқ деб эълон қилинди.

Баённома тузилган сана “03” март 2023 йил.

Йиғилиш раиси

А.Н. Ахмаджанов

Йиғилиш қотиби

Ш.Ш. Мухаммедов